Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 3-avgust № 92 (2817) seshanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Маҳият

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур, Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.

Юсуф Хос Ҳожиб

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

Тошкент вилоятининг шимолига қараб бораркансиз, агар азим Сирдарёни кесиб ўтганингизни эътиборга олмасангиз, қўшни вилоят ҳудуди бошланиб кетганини пайқамай қолишингиз мумкин. Бундан ўн-ўн беш йиллар муқаддам уларнинг қиёфасидаги чегара Сирдарёнинг нариги соҳилидан бошлабоқ кўзга ташланарди. Пастак уйлар, илк баҳорда бир яшнаган ўт-ўланлар, буталар, қаровсизлик, сувсизликдан қовжираб қоладиган ерлар, ғўзалари камҳосил эканлиги шундоқ кўриниб турган далалар ва улардаги аёллар, болалар... Чўп суқсанг илдиз отиб кетадиган Ўзбекистон заминида жойлашган бўлса-да, соатлаб йўл боссанг-да, боғ ё чаман эмас, бирор туп мевали дарахт учраши ҳам амри маҳол бўлган манзиллар...

Хоҳиш, ирода ва имконият

«Ishonch» йўлланмаси билан

Чиноз туманидан бошланиб Гулистон шаҳрига олиб борадиган тор йўлда мана шу манзарани кузатиш мумкин эди. Пойтахт билан вилоятларнинг қиёфаси, одамларнинг яшаш тарзидаги ер билан осмонча фарқ табиий ҳолдай эди, аксарият одамлар бунга кўникиб кетганди. Демакки, расман бир бутун мамлакатнинг барчага баробар қонунлари асосида яшадиг-у, амалда тенгсизлик кундалик ҳаёт тарзимиздан бошланарди. «Ҳа, энди Тошкент — Тошкент. Биз чеккада яшаймизда» қабилидаги фикрлар мустақиллигимиздан аввалги йилларда оддийгина эътироф бўлганлиги катта авлод вакилларининг ёдидан чиққани йўқ. Шу ўринда Огаҳийнинг машҳур сатрини эслаш жоиз:

Ким меҳр нурин тенг солур
вайрону обод устина.

Ҳа, офтоб шуъласи, ҳароратини ободу вайроналиклар узра тенг сочади. Мустақиллик ҳам худди шундай, у халқнинг барча қатламларига, улар ватаннинг қайси жойида яшаши, қандай касб билан умргузаронлик қилишидан қатъи назар, умумбашарий эркинлик неъматларидан баб-баравар баҳраманд этади.

* * *

Сирдарё замини боғ-роғлари, ширин-шакар мевалари билан машҳур. Айниқса, тилими тилни ёрадиган Мирзачўл қовунини ким билмайди дейсиз? Шу боис бўлса керак, Юртбошимиз ташаббуси билан Гулистонда республика бўйича доимий қовун сайиллари ўтказиб келинмоқда.

Сирдарё вилояти мамлакатимиз халқ хўжалигида ўзига хос ўринга эга. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр қувватининг қарийб учдан бир қисмини етказиб берувчи Сирдарё ГРЭСи, Гулистон ёғ-экстракт заводи, қурилиш ашёлари корхоналари, пахта тозалаш заводлари ва бошқа бир қанча саноат корхоналари вилоят қандай иқтисодий салоҳиятга эга эканини кўрсатиб турибди.

«Гулистон ёғ-экстракт» ҳиссадорлик жамияти 240 минг АҚШ доллари сарфланиб модернизация қилинди. «Амалий медфарм», «Сарбонтекс» қўшма корхоналарида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина «Саруна текстил» қўшма корхонасида жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 2 млрд. 622 млн. сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

* * *

Сирдарё вилоятининг кенг қучоғига кириб борган сайин унинг яқин-яқинларгача Мирзачўл исмига монанд бўлганлигини унутасан. Вилоят марказига олиб борувчи кенг, равон йўлдан бир неча қатор бўлиб машиналар елади, икки томонда ғиштин, шинам уйлар, кўркам иморатлар, йўлаклар четида гуллар яшнаб турибди.

Эрталабки қуёш нурлари Гулистон шаҳри узра жилваланади. Бизга бу офтобрўя шаҳар яхши таниш, аммо унинг кўча-ю хиёбонларини яна бир бор кўришга ошиқамиз, чунки биламизки, янгиланишлар, халқ ҳаётини фаровон ва қулай этишга қаратилган ўзгаришлар бу ерда ҳам давом этмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, тиббий соҳада амалга оширилган ишлар кўламини асрга татигулик десак, муболаға эмас. Бугунги Гулистон — замонавий шаҳар. Аҳоли уйлари, турли маъмурий идора ва ташкилотлар, мактаб ва коллежлар, университет, шифохоналар, ажойиб спорт кошоналари бирбирига мутаносиб қилиб қайта қурилди.

Ҳа, мустақиллик йилларида Гулистон шаҳри номига муносиб равишда чирой очиб, тобора кўркамлашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Сўнгги йилларда вилоят марказида ота-боболаримиз руҳини ёд этиш, уларни қадрлаш ниятида барпо қилинган Хотира мажмуини, кўплаб янги уйлар, маданий-маиший иншоотлар, кўприкларни кўриб, Сирдарё халқининг меҳнатсеварлиги ва бунёдкорлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Эътиборлиси шундаки, бу улкан қурилишлар халқ эҳтиёжи билан чамбарчас боғлиқ.

XX аср бошида қурилган Гулистон реабилитация маркази — Ўрта Осиё минтақасидаги замонавий соғломлаштириш масканларидан бири. Энг сўнгги русумдаги ташхис қўйиш, даволаш анжомлари билан жиҳозланган бу шифохонанинг миллий ҳамда замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлигида қурилган биноси, бу ердаги шинамлик, ёруғлик, осойишталик беморларга маънавий шифо бахш этаётгандек...

(Давоми 3-бетда)

Байрамолди янгиликлари

Катта қурилишлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган ҳозирги пайтда Чироқчи туманидаги А.Қўзиев раҳбарлик қиладиган «Фарҳод» хусусий темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларига талаб катта.

Талаб катта

24 киши меҳнат қиладиган корхонада етти турдаги маҳсулот тайёрланади. Ўтган йили 350 млн. сўмлик иш бажарилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 220 млн. сўмлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Корхона раҳбарияти маҳсулот турини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратишни режалаштирган.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Жиззах вилоят халқ таълими тизимида 18 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфида 94 та клуб фаолият кўрсатмоқда.

Санъатсевар болалар

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қароридан сўнг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Жиззах шаҳрида 150 ўринли янги санъат мактаби қурилиши ҳамда Дўстлик туманида 150 ўринли мусиқа мактабини капитал реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Яқинда Фориш туман болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолияти қайта тикланди. Зарур маблағ ажратилиб, мактаб керакли жиҳозлар, компютер техникаси, чолғу асбоблари билан таъминлангач, элликдан зиёд ўғил-қиз санъат сирларидан сабоқ ола бошлади.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Давлат солиқ қўмитаси ҳамда «Солиқ инфо» газетаси таҳририяти ҳамкорликда танлов ўтказди. Унда Борис Фроянченко «Йилнинг энг яхши аудитори» деб, Ирина Шахнабатова эса «Йилнинг энг яхши ҳисобчиси» деб топилиб, муносиб тақдирланди.

Танлов якунланди

Шунингдек, талабалар ўртасида «Солиқ мавзусидаги энг яхши мақола» учун ўтказилган танлов натижалари ҳам эълон қилинди.

Азиза АҲМАДИЕВА

Қурултойдан қурултойгача

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг V қурултойи мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида улкан ўзгаришлар юз бераётган, жамиятимиз тараққиёти янги босқичга кўтарилаётган бир шароитда ўтаётгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисобот даврида, яъни 2005 — 2010-йилларда Ўзбекистонда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат асосларини қуриш бўйича ижобий ишлар амалга оширилди. Тараққиётнинг «ўзбек модели» амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон халқининг фаровонлигини янада оширишни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришни таъминлайдиган ҳуқуқий базанинг яратилганлиги дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Муваффақият омили

Давлатимиз раҳбари 2010 йил 29 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида 2009 йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганини қайд этди. Шунингдек, маърузада вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига 2010 йилда мамлакатни янгилаш ва модернизациялашни давом эттириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифаси қўйилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида кўрилиши туфайли мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам юқори суръатлардаги ўсиш ва барқарор ривожланиш таъминланди.

Бугунги кунда республикада телефон станцияларининг 93,2 фоизи рақамлаштирилиб, аҳолига янги хизмат турлари билан сифатли алоқа хизматлари кўрсатилмоқда. Интернет тармоғига 2009 йил якуни бўйича 2,8 миллионга яқин фуқаро уланган бўлса, 2010 йилнинг 1 июлига қадар фойдаланувчилар сони 2,94 миллионга етди. Қисқа муддатда ўсиш даражаси 140 минг кишини ташкил этди.

2009 йил якунига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналар томонидан 1 трлн. 742,5 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 16 фоиз ошган. 2010 йилнинг биринчи ярмида эса соҳа корхоналари томонидан 911,6 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилди.

Соҳа ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 2009 йилнинг якуни бўйича 240,8 минг сўмни ташкил этди, бу эса ўртача иш ҳақи 2008 йилга нисбатан 1,2 баробар кўпайганидан далолат беради.

2005-2010 йилларда алоқа ходимлари касаба уюшмаси соҳа ходимларини янада жипслаштиришга, уларнинг фаоллигини оширишга, касаба уюшмаларида демократик янгиланишлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ҳамда касаба уюшма ташкилотларида ижро интизомини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Муҳими, қурултойдан қурултойгача бўлган даврдаги ўзгаришлар жамиятимизда кучли ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришдек улуғвор ишнинг пойдевори янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ходимлар ва иш берувчилар ўртасида меҳнат муносабатлари келишувлар, жамоа шартномалари орқали ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Улар йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда.

Телекоммуникация соҳасини ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда 12 та инвестиция лойиҳаси тўлиқ ўзлаштирилди.

Бугунги кунга келиб соҳамизда битта тармоқ келишуви, иккита тариф келишуви, битта Ягона жамоа шартномаси ва 196 та жамоа шартномаси имзоланган бўлиб, улар 2005 йилга нисбатан 29 тага кўпайди. Ҳисобот даврида деярли барча жамоа шартномаларини тўла ва сифатли экспертизадан ўтказишга эришилди. Уларнинг бажарилиши касаба уюшмаларининг доимий назоратида.

2009 йилги статистик маълумотларга кўра, барча тармоқлар ходимларини жамоа шартномаси билан қамраб олиш даражаси республика бўйича ўртача 87,9 фоизни ташкил этган бир вақтда, алоқа соҳаси бўйича юридик шахсларни жамоавий шартнома муносабатлари билан қамраб олиш 99,9 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)

Ахборот

Таклиф яхши, ижроси ундан ҳам яхши

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг IV конференцияси бўлиб ўтди. Бирлашма кенгашининг беш йиллик фаолияти тўғрисида кенгаш раиси Муҳайё Тўлаганова маъруза қилди. Сўнгра тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

Маърузалар юзасидан сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси Гўзал Тўхтаева, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма етакчиси Илҳом Қурбонов, Бўстонлиқ туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Жамшид Орипов, «Аммофос — Максам» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма ташкилоти етакчиси Николай Авдеенко, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева ташкилот олдида турган вазифалар ва уларни замон талаблари асосида ҳал этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова бошқа ишга ўтиши муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди.

Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси бўлиб ишлаб келаётган Шуҳрат Деҳқонов Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси этиб сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова қатнашди ва нутқ сўзлади.

(Ўз мухбиримиз)

Ташаккурнома

Ишга тикландик

Инсон адолатсизликка учраганида ҳамдард, маслаҳатчи қидириб қолади. Жорий йил бошида қўлимизга ишдан бўшаганлигимиз ҳақидаги буйруқни тутқазишганида шундай ҳолатга тушдик.

Шундай ташвишни бошидан кечирганларнинг маслаҳати билан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига мурожаат этдик. Кенгаш раиси Ш.Кубаев бизни қабул қилиб, арзимизни тинглади. Сўнг кенгашнинг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Ниёз Пардаевга масалани пухта ўрганиб, ёрдам бериш ҳақида топшириқ берди.

Ҳуқуқшунос аввал биз билан обдон суҳбатлашгач, Қарши шаҳридаги 17-кар болалар махсус мактаб-интернатига бориб, ҳужжатлар билан танишди, ҳамкасбларимиз фикри билан қизиқди. Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб, вилоят кенгаши томонидан директор И.Қиёмов номига тақдимнома киритилди.

Мазкур ҳужжатда бизни ишдан бўшатиш юзасидан берилган буйруқнинг ноқонунийлиги тўлиқ асослаб берилган эди. Хуллас, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг 2010 йил 21 январдаги тақдимномасига асосан ишимизга тикландик.

Оғир пайтда аъзоларига суянч бўладиган, катта мавқега эга ана шундай ташкилот борлигидан мамнунмиз. Бизга кўрсатган кўмаги учун кенгаш жамоасига миннатдорлик билдирамиз.

Дилбар ШОЙМАРДОНОВА,
Юлдуз ИМОМОВА,
Қарши шаҳридаги 17-кар болалар махсус мактаб-интернати тарбиячилари

Ishonch
2010-yil 3-avgust № 92 (2817)

Касаба уюшмалари – ходимларнинг ҳамкори ва таянчи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳисобот даврида тузилган келишувлар ва жамоа шартномаларига ходимлар учун амалдаги қонунларда белгиланганидан юқори иш ҳақи, меҳнат шароити ва ижтимоий кафолатларни таъминловчи янги қоидалар киритилишига эришилди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг IV қурултойидан кейинги даврда соҳа тизимидаги касаба уюшма ташкилотлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини жорий этиш ва иш ҳақидан қарздорликка йўл қўймаслик борасидаги ишларни давом эттирди. Ҳисобот даврида Марказий кенгаш томонидан кафолатланган иш ҳақини ошириш бўйича тегишли чоралар кўрилган, шунингдек, 2006 йил 1 ноябр, 2008 йил 1 апрел ва 2009 йил 1 сентябрдаги тариф коэффициентлари бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, натижалари акциядорлик компаниялари ва жамиятлари раҳбариятига тақдим этилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жамоа шартномаларида ходимларга иш ҳақи тўловининг аниқ муддатлари қатъий белгиланган, шунингдек, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши бўйича иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги кўзда тутилган. Иш ҳақидан қарздорликка деярли йўл қўйилмаганлиги учун касаба уюшмалари томонидан прокуратура ва суд органларига мурожаат этишга эҳтиёж бўлмади.

Шу ўринда иш ҳақи миқдори ва тўловида айрим муаммолар мавжудлигини айтиш жоиз. Жумладан, ўртача иш ҳақи миқдори йилдан-йилга ошгани ҳолда унинг энг кам иш ҳақига нисбатан ўсиш даражаси пасаймоқда. Масалан, 2005 йилда ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 10 баробарига тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2009 йилда энг кам иш ҳақининг 7,8 баробарини ташкил этди. Шу боис жойлардаги касаба уюшма лидерлари меҳнат жамоаси аъзолари эътиборини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ва корхона даромадларини кўпайтиришга қаратиши лозим, чунки корхона даромадлари ошган тақдирдагина иш берувчилар ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида оширишлари мумкин.

Ҳисобот даврида Марказий кенгаш ва унинг раёсати касаба уюшма устави ва Ҳаракат дастури талабларига риоя этиш, касаба уюшмаларига аъзоликнинг афзаллигини тарғиб қилиш, интизомни мустаҳкамлаш, қабул қилинган қарорларни бажариш бўйича масъулиятни ошириш, сайланадиган органлар ва фаолларнинг иш услубларини такомиллашти риш бўйича доимий равишда иш олиб борди.

Маълумки, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси бошқаруви икки бўғинли тизимда фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказий кенгаш тизимига жами 59884 нафар касаба уюшма аъзоси бирлашган бўлиб, унинг таркибига 13 та вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси, 173 та касаба уюшма ташкилоти, 446 та цех касаба уюшма ташкилоти ва 1666 та касаба уюшма гуруҳи киради. Ўтган даврда 31 та янги касаба уюшма қўмитаси тузилганлиги диққатга сазовордир.

Ҳозир касаба уюшма аъзоларининг 42,3 фоизини аёллар ва 26,6 фоизини 30 ёшгача бўлган ходимлар ташкил этади.

Ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида касаба уюшма фаолларининг муайян қисми, жумладан, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмиталарида 45 фоизи, бошланғич касаба уюшма қўмиталарида 28 фоизи, цех қўмиталарида 29 фоизи янги сайланди. Шу муносабат билан, биринчи навбатда, эътиборни уларни ўқитиш ва малакасини оширишга қаратишимиз зарур.

Айрим касаба уюшмаси бирлашган қўмиталари, масалан, Сурхондарё ҳамда Наманган вилоятларида олиб борилаётган ташкилий ишлар талаб даражасида эмас.

Касаба уюшмалари фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири ходимлар, айниқса, ёшларнинг маънавияти, дунёқарашини ўстириш, миллий қадриятлар, урф-одатлар, ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини оммага етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришдан иборатдир. Бу ўринда янги сайланган фаоллар ҳаракатчан, бошқариш қобилиятига эга бўлиши, мулоқотга тез киришиши, жамоа аъзоларига ўз фикрини асослаб бера олиши лозим.

Муҳим ташкилий вазифалардан яна бири касаба уюшма вилоят бирлашган қўмиталари билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳудудий бошқармаларининг тенг ижтимоий шерикчиликка асосланган муносабатларини кучайтиришдир. Мазкур масалада агентлик раҳбарияти бизни тўлиқ қувватлаши шубҳасиз.

Соҳада меҳнатни муҳофаза қилиш ва давлат таркибидаги корхоналарида 2005 йилда меҳнат муҳофазаси учун 1,1 млрд. сўм сарфланган бўлса, 2009 йилга келиб, ушбу тадбирларга 2,2 млрд. сўм маблағ сарфланган.

Лекин ҳозирги кунда корхоналарда фойдаланиш муддати тугаган ва эскирган қурилма ҳамда иншоотлардан фойдаланиш, хавфсиз меҳнат шароити яратишга касаба уюшма ташкилотларининг эътибори камлиги, кадрларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича етарлича малакага эга эмаслиги, ижро интизоми нисбатан паст даражада эканлиги натижасида жойларда ходимлар шикастланаётган ҳолатлар учрамоқда.

Ҳисобот даврида ушбу йўналишдаги статистик кўрсаткичларнинг таҳлили шуни кўрсатдики:

— иш берувчи ва касаба уюшмаларининг вазифаларидан келиб чиқиб, меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли ходимлар сонини норматив бўйича кўпайтириш;

— касаба уюшмасининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларига лозим даражада ҳуқуқ ва ваколат бериш хусусида тегишли идораларга таклиф киритиш лозим.

Истиқлол йилларида халқимизнинг дунёқараши ўзгариб бормоқда. Энг муҳими, инсон омили юқори поғонага кўтарилди. Кучли ижтимоий ҳимоя тамойили давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ҳисобот даврида Марказий кенгаш томонидан алоқа соҳаси ходимларининг 162 та ёзма ариза ва шикояти кўриб чиқилди. 655 та оғзаки мурожаат қайд этилиб, тегишли маслаҳат берилиб, ҳуқуқлари тушунтирилди. Олиб борилган ишлар натижасида 66 нафар ходим аввалги ишига тикланди.

Марказий кенгашнинг масъул ходимлари томонидан ҳисобот даврида «Ўзбектелеком» АКнинг Тошкент шаҳрида жойлашган йирик бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан ТошТТС, ТШТТ, ШАК, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Тошкент почтамти», «Халқаро почтамт» каби филиалларида, Агентлик таркибидаги ДАИ, ЭМММ, «Unicon.uz», РРТМ, «Алоқабанк», ТАТУ сингари корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилиги талабларининг бажарилиши ҳамда касаба уюшма қўмиталарининг ушбу йўналишдаги фаолияти 124 марта ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга 86 та тақдимнома, таклиф ва тавсиялар берилиб, уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Ходимлар, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этишимиз, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишимиз даркор.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари ўртасида Қирғизистоннинг жанубида юз берган тартибсизликлар, зўравонлик ва қотилликларнинг асл сабаблари, аҳоли ўртасида ҳушёрликни ошириш, бугунги осойишта ҳаёт ва тинчликнинг қадрига етиш ҳақида йиғилишлар ўтказилмоқда. Муҳокамаларда ходимлар икки қардош халқнинг осойишта ҳаётини кўролмайдиган бузғунчи кучларга нисбатан ўз нафратини билдирмоқдалар.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимиз бузғунчиларнинг макрига учмайди. Аксинча, юқорида қайд этилганидек, юртдошларимиз жабрдийдаларга инсонпарварлик ёрдамини ва меҳр-муҳаббатини кўрсатишга ҳамиша тайёрлигини намоён этмоқда.

Ҳисобот даврида инсон камолоти, турмуш фаровонлигига эришишда миллий ғоя, маънавият ва маърифатнинг ўрни, илм-фан, маданият соҳасида амалга оширилаётган ишларни ходимлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида ташкилотлар ва ўқув муассасаларининг маънавият-маърифат хоналари, соҳа тасарруфидаги оромгоҳлар кутубхоналари мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар акс этган плакатлар тўпламлари, янги китоблар, миллий ғояни тарғиб этувчи нашрлар ва Президент асарлари билан таъминланди.

Корхона ва ташкилотларда, айниқса, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида, Тошкент алоқа коллежи, ахборот технологиялари коллежи ва академик лицейларда диний экстремизм, фундаментализм, терроризмнинг вужудга келиши ва уларга қарши кураш моҳиятини тушунтириш мақсадида маъруза ва давра суҳбатларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Ёшларнинг маънавиятини бойитиш, дунёқарашини ўстириш, уларни ватанимиз тарихи, миллий урф-одат ва анъаналар билан яқиндан таништириш учун қадимий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди.

Ходимлар, талаба ва ўқувчиларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, соғлом турмуш тарзини, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш афзалликларини тарғиб қилиш мақсадида мунтазам равишда соҳа спартакиадалари ўтказилди.

Болаларни соғломлаштиришда тармоқ касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқда. Бу борада ҳисобот даврида муайян ишлар амалга оширилди. 2005 йилда соҳа ходимларининг 5310 нафар фарзанди соғломлаштирилган бўлса, 2010 йилда 6216 нафар болани алоқа корхоналари тасарруфидаги ва бошқа оромгоҳларда соғломлаштириш режалаштирилган. Қайд этиш лозимки, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи», «Бухоро телеком», «Наманган телеком», «ЎзИ-Қарши», «ЎзИ-Жиззах» филиаллари тасарруфидаги оромгоҳларда болаларни соғломлаштиришни юқори савияда ташкиллаштириш учун ҳар йили таъмирлаш ишлари олиб борилиб, кўпгина қулайликлар яратилмоқда.

Ёшлар ва болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни маданий-маърифий, спорт тадбирларига кенг жалб қилиш, ёшлар қалбида ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш, истиқлолнинг қадрига етадиган комил инсон қилиб тарбиялаш Баркамол авлод йилида ҳам фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Тўлқин ТЕШАБОЕВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси

Минифутбол Кубок кучлиларга насиб этади

Минифутбол бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг кубоги 2000 йилдан бошлаб мунтазам равишда ўтказилмоқда.

2001-2002 йиллари мазкур мусобақа фақат Тошкент шаҳрида жойлашган алоқа корхона, ташкилот ва муассасалари жамоалари ўртасида уюштирилган бўлса, 2003 йилдан бошлаб алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлар филиаллари, корхона, ташкилот ва муассасалар жамоалари ўртасида республика миқёсида ташкил этилмоқда.

Шу кунгача «Алоқабанк», «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» (ТШТТ), Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ), «Фарғона телеком», «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» (ШАК) жамоалари кубок соҳиби бўлишган.

Айтиш жоизки, мусобақа низомига кўра, турнирда уч марта ғолиб чиққанлиги учун мазкур кубок «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» жамоасига 2005 йили доимий сақлаш учун топширилган. Шу боис 2006 йили кубокнинг янги намунаси тайёрланди. Унинг икки дона кичиклаштирилган нусхаси мавжуд. Бири Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида, иккинчиси Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашида сақланади. Кубокнинг сўғурта суммаси 5 000 000 сўмни ташкил этади.

Яна шуни айтиш жоизки, ҳар йили мусобақа якунида махсус филм тайёрланиб, дискларда иштирокчиларга тақдим этилади.

Айни кунларда вилоят жамоалари мусобақанинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритиш учун курашни давом эттирмоқда.

Суннат АБДУҒАНИЕВ,
Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши маънавият-маърифат ва спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси.

Суянч

Назира БОЙМУРОДОВА олган сурат

Касаба уюшмасининг энг муҳим вазифаси ходимларнинг манфаатини ҳимоя қилишдир. Бу борада жорий йилнинг биринчи ярмида «ТошТТС» филиали касаба уюшма қўмитаси томонидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Аввало, асосий эътибор ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига, спорт ва маърифий тадбирларга, ходимлар ва уларнинг фарзандларини дам олдириш ва соғломлаштиришга қаратилганини таъкидлаш жоиз. Ходимларнинг фарзандлари учун соғломлаштириш оромгоҳларига 52 та бепул йўлланма олиб берилди. 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган таътилдаги аёлларга нафақа тўланмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси «Моддий ёрдам бериш тўғрисида»ги, «Қўшимча равишда бажарилган иш учун ҳақ тўлаш тўғрисида»ги низомлар ижросини доимий назорат қилиб бормоқда. Яқинда филиалнинг тариф келишувига зарарли шароитда ишловчи ходимлар учун 12 иш кунидан иборат қўшимча таътил бериш ҳақида қўшимча киритилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ҳам қўмитанинг доимий эътиборида турибди. Барча ходимлар «Алском» компанияси ёрдамида бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинган. Зарарли шароитда ишловчи ходимлар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллик аниқланган тақдирда, уларни соғломлаштириш чоралари кўрилаётир.

Миллат маънавиятини бойитишда театрларнинг ўрни беқиёс. Шу боис ходимларимизнинг республика театрларига ташрифи уюштирилаяпти. Шунингдек, 2010 йилнинг 6 ойи мобайнида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларидан 160 киши дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди. Ходимларимизнинг фарзандлари чизган расмлар танлови ўтказилиб, ғолиблар касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Наврўз байрами ва Алоқачилар кунига бағишлаб шахмат ва шашка бўйича мусобақа ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, меҳнат самарадорлигини, ходимларнинг турмуш даражасини оширишга тааллуқли барча масалалар маъмурият билан ҳамкорликда ҳал этилаяпти. Қўмитамиз аъзолари ходимларнинг маслаҳатгўйи, суянчи бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Дилшод УСМОНОВ,
«ТошТТС» филиали касаба уюшма қўмитаси раиси

Ўзбекистон маркаси

Хатжилдлар устига ёпиштириладиган маркаларга ҳеч эътибор қилганмисиз? Улардаги тасвирлар кўпинча санъат иштиёқмандларини ўзига жалб этиб қўяди. Фикримизга шубҳа билан қарасангиз, «Ўзбекистон маркаси»нинг исталган бадиий маркаларига назар ташлаб кўринг. Улардаги ўзига хос сеҳр ҳатто жаҳон филателистларининг юртимизга бўлган қизиқишини орттирмоқда. Шундай экан, бу соҳа заҳматкашларининг фаолиятига бир назар ташлайлик.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибига кирувчи «Ўзбекистон маркаси» филиали почта маркаларини нашр қилувчи, тарқатувчи ягона ихтисослашган филиал ҳисобланади. У ўз фаолиятини ўзбек халқининг истеъдодли шоираси, Қўқон хонлигидаги минглаб истеъдодларнинг ҳомийси Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб 1992 йилда чиқарилган марка билан бошлади.

Ўтган йиллар давомида 811 номдаги стандарт ҳамда турли мавзуларга бағишланган махсус бадиий маркалар тайёрланди ва муомалага чиқарилди. Бугунги кунга келиб, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Ўзбекистон маркаси» филиали республика миллий операторларининг маркага бўлган талабини қондирибгина қолмай, Ўзбекистоннинг ташриф қоғози бўлиб жаҳон филателистлари эътиборини қозонди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон маркалари «MICHEL» (Германия), «YVERT&TELLIER» (Франция), «SCOTT» (АҚШ), «DOMFILL» (Испания), «Мир марок» (Россия), «Система нумерации ВАРФ» (Бутунжаҳон почта иттифоқи) каби халқаро каталогларда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Шунингдек, Россия, Испания, Австрия каби мамлакатларда чоп этиладиган махсус журналлар саҳифаларидан жой олди.

Ўзбекистон маркалари Исроил (1998), Австрия (1999), Россия (2000, 2002), Гонконг (2001), Руминия (2003), Сингапур (2004)да ўтказилган жаҳон филателия кўргазамаларида иштирок этди.

1996 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон билан биргаликда «Save the Aral Sea» (Оролни қутқариш) мавзусига бағишланган почта маркалари чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. 2003 йилда Қозоғистон билан ҳамкорликда «Живопись» (Тасвирий санъат) маркаси муомалага чиқарилди.

Қилинаётган ишлар билан бир қаторда почта маркалари ҳаққонийлигини ҳимоялаш, республика ва ундан ташқарида муомалага киритилаётган айрим қалбаки почта маркалари тарқатилишининг олдини олиш юзасидан тегишли органлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Д.УСМОНОВА

Хоҳиш, ирода ва имконият



(Давоми. Боши 1-бетда)

Соғлом авлод ғоясининг муҳим талабларидан бири бўлган миллат генофондини сақлаш, ногиронлик ҳамда ногирон фарзандлар дунёга келишининг олдини олиш, уларни соғломлаштириш давлатимиз раҳбари раҳнамолигида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Гулистон шаҳрида ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни текшириш йўли билан ирсий касалликлар ва ривожланишнинг туғма нуқсонини эрта аниқлаш имконини берадиган скрининг маркази ишга туширилганидан аҳоли беҳад мамнун.

— Скрининг маркази «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан юксак даражада аниқ ишлайдиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, — дейди Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош акушер-гинекологи Роза Бегимқулова. — Шунингдек, олис туманлардаги беморлар ҳолидан хабар олиш, қон таҳлилини вақтида етказиб келиш учун «Дамас» русумли тез тиббий ёрдам машиналари мавжуд.

* * *

Шаҳар кўчалари бўйлаб айланаркансиз, бир-биридан чиройли спорт иншоотлари диққатингизни тортади, дилларга ифтихор бағишлайди. Шаҳар аҳолиси, айниқса, йигит-қизлар қишин-ёзин шуғулланиши, чиниқиши учун барча шароит муҳайё этилган спорт майдончалари ва заллари, сузиш ҳавзалари гавжум. Бугунги кунда Ўзбекистон номини турли нуфузли мусобақаларда муносиб ҳимоя қилаётган ёшларимиз орасида сирдарёликлар ҳам оз эмас. Гулистонлик армрестлинг бўйича етти карра жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедов, академик эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпиони Руслан Науразилиев, Владимир Черненко, бокс бўйича жаҳон чемпиони Орзубек Шоимовлар шулар жумласидандир.

Вилоят спортчилари халқаро мусобақаларда янада фаолроқ, самаралироқ иштирок этиши учун пухта замин яратилмоқда. Спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланиш мумкин бўлган «Алпомиш» спорт мажмуи, Бокс саройи ва Сузиш басейнлари ёшлар ихтиёрида.

— Дастлабки ғалабага эришганимда тўққиз ёшда эдим. — дейди биз билан суҳбатда Боёвут туманидаги 9-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Сарвиноз Қурбонбоева. — 2003 йилда 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Ғалабадан руҳланиб, қишлоғимга қайтгач, дадам ва шахмат бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Маматқул акадан жиддий сабоқ олдим. Ўша йили Грециянинг Ираклион шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этиб, илк бор жаҳон чемпиони деган юксак номни ҳам қўлга киритдим. Ғалабадан сўнг кайфиятим кўтарилди ва кўплаб нуфузли халқаро беллашувларда қатнашдим. Жумладан, Эрон, Франция, Ҳиндистон, Туркия мамлакатларида ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этдим ва саккиз карра жаҳон, ўн карра мамлакат чемпиони бўлдим.

Биз ёшларнинг муваффақиятга эришишимиз учун ҳар соҳада етарли шарт-шароитлар яратилган. Шу йил баҳорда Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бу эҳтиромдан бошим кўкка етди. Жаҳон чемпионатларида юртимиз шарафини бундан кейин ҳам муносиб ҳимоя этиб, катта зафарларга эришишга ваъда бераман.

* * *

«Санъат аҳлининг нафаси бир ўтдирким, қуруқ кўзни ёшлатур ва қаттиқ дилни юмшатур». Буюк мутафаккир Алишер Навоий шундай деган. Халқимиз санъатни севади. Юртимизда болалар мусиқа ва санъат мактаблари аҳволини яхшилаш, янгиларини қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар санъатимиз келажагига хизмат қилиши шубҳасиз.

— Гулистон санъат коллежининг янги биноси 2007 йилнинг августида фойдаланишга топширилган эди, — дейди коллеж директори Адҳам Саманов. — 540 ўринга мўлжалланган билим юртимизда талабаларнинг мусиқий билимларини ошириш учун барча шароит яратилган.

Санъат коллежи биносида «Ҳумо» масъулияти чекланган жамияти томонидан 1 млрд. 669 млн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилганининг ўзиёқ мамлакатимиз ёшларига қаратилган юксак эътибор намунасидир.

* * *

Юртбошимиз Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айни пайтда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимизни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди. Тасодифни қарангки, Сирдарёга сафаримиз чоғида Гулистон давлат университетида вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Бўш иш ўринлари ва хизмат лавозимлари» ярмаркаси устидан чиқдик.

Ярмаркада 104 та корхона ва ташкилот 731 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирда Гулистон давлат университети ҳамда 48 та касб-ҳунар коллежининг битирувчилари иштирок этди. Унда тадбиркорлик билан шуғулланувчи 219 нафар талабага «Микрокредитбанк» томонидан имтиёзли кредит сертификатлари берилди. «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» мавзусида ўтказилган ушбу тадбирда 219 нафар ёшнинг ҳар бирига миллион сўмдан кредит ажратилди. Ёшлар бу сармоялар ҳисобидан ўзлари яшаётган қишлоқларда тадбиркорликни йўлга қўйиб, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшадилар. Масалан, Сайхунобод саноат коллежи талабаси Азиз Холбоев аҳолига хизмат кўрсатишни режалаштирган бўлса, Ховос агросаноат коллежи талабаси Бекзод Комилов чорвачиликни ривожлантиришга бел боғлаган.

Меҳнат ярмаркасида қатнашган кўплаб ёшлар шу куни ўзларига муносиб иш топиб, уйларига хурсанд ҳолда қайтдилар. Гулистон шаҳрида яшовчи Моҳира Маматқулова, мирзаободлик Сайёра Сайдалиева вилоят марказидаги «Нафис либос» МЧЖга ишга қабул қилинди. Корхона кадрлар бўлими бошлиғи Фарида Валиаҳмедова берган маълумотга кўра, шу куни 40 нафар ёш жамоада доимий ишлаш имкониятига эга бўлишди. Йил охиригача корхонада яна 1000 та иш ўрни ташкил этилиб, маҳаллий ёшларга қулайлик яратилади.

Меҳнат ярмаркасида 1454 киши қатнашди ва 540 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. 115 нафар йигит-қиз касбга қайта тайёрлаш курсларига юборилди. 105 киши жамоат ишларига жалб этилди. 700 нафар фуқарога меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясида шаҳар аҳолисини тоза сув билан таъминлаш масаласи қўйилган эди. Шу мақсадда Осиё тараққиёт банки томонидан 14 млн. 300 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Натижада, Бўстон маҳалласидаги 12 минг нафар аҳоли тоза сувдан баҳраманд бўлди. Туркиянинг «Eser» компанияси томонидан 8 млн. 316 минг АҚШ доллари миқдорида қурилиш ишлари бажарилди. 2 млн. АҚШ долларилик жиҳозлар сотиб олинди. Шаҳар ҳудудидаги 20 км. узунликдаги сув қувурлари янгиланди.

* * *

Таассуротларимизнинг гултожи эса гулистонликлар билан боғлиқ. Улар билан шаҳарнинг кўркам ва бетакрор саройи — «Маънавият ва маърифат» марказида учрашдик. Ёз чилласининг нафаси уфуриб турганига қарамай «Ishonch» газетаси мухлислари катта зални тўлдириб шибди. Уларнинг юз-кўзларидан дунё ва мамлакатимиз янгиликларидан бохабар бўлиб яшаш, зиёга талпинишларини сезиш қийин эмас.

Шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган «Маънавият ва маърифат» маркази 2003 йилда бунёд этилган эди. Ҳозир унда 10 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. 200 минг китоб фондига эга ахборот-ресурс марказида 26 нафар кутубхоначи хизмат қилади.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги, улкан марраларни кўзламоқда. Бунинг учун бизда хоҳиш, мақсад, ирода ва барча имкониятлар мавжуд. Эртанги кунга қатъий ишонч билан интилаётган, буюк келажагимиз пойдеворини яратаётган олижаноб халқимиз бор.

Сирдарёликлар кўпни кўрган, оғир синовларда тобланган, меҳнаткаш, матонатли халқдир. Бундай одамлар билан ҳар қандай машаққатни енгиб ўтиш, янги-янги марраларни қўлга киритиш, янада улуғвор ишларни амалга ошириш мумкин.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Қарор ва ижро

Бугунги кунда Андижон вилоятининг барча бозорларида аҳолига хизмат кўрсатиш турлари кенгайтирилиб, нақд пул оқимини тўлиқ ҳисобга олиш билан бирга, сифатсиз ва контрабанда маҳсулотлари савдосига чек қўйилаяпти. Бу соҳада Президентимизнинг жорий йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

ФароВонлик рамзи



— Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш учун энг аввало вилоятимиздаги бозорлар ва савдо комплексларининг қарорда кўзда тутилган янги намунадаги паспортларини тузиб чиқдик, — дейди Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг Андижон вилоят бўлими бошлиғи Исоқжон Умаров. — Бу паспортларда бозорларнинг ихтисослашуви ва иш тартиби, турғун савдо шохобчалари, савдо ўринлари миқдори ва жойлашуви, уларнинг ҳудудидаги инфратузилма объектлари ва кўрсатилаётган хизмат турлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилди.

Ҳозир вилоятдаги 100 та ва ундан ортиқ савдо ўрни ва турғун савдо шохобчасига эга бўлган барча бозор ва савдо комплексларида бир марталик йиғим, кўрсатилган хизматлар ва ижара тўловлари электрон дастур асосида банк муассасаларининг шохобчалари орқали ундирилиши жорий этилиб, ушбу жараённи ходимларимиз ҳар куни назорат қилиб бормоқда.

Бозорлардаги савдо ўринлари жисмоний шахсларга фақат уларнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирдагина берилиши (ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, шунингдек, истеъмолда бўлган товарларни сотиш ҳоллари бундан мустасно), бозорларнинг ҳудудида ер участкалари ажратилишига ҳамда бозорга тегишли кўчмас мулк объектларининг хусусийлаштирилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида ҳар бир бозор ва савдо комплекси раҳбари ёзма равишда огоҳлантирилди. Қарорда белгиланган муддатда бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғим, ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати тасдиқланган ҳолда бозорлар ва савдо комплексларининг барча кириш жойларига осиб қўйилди.

Қарорнинг 2-иловасига мувофиқ, рўйхат бўйича товарнинг олиб кирилиши ва бож тўланганини тасдиқлайдиган божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан кейин 12 ой ўтгач тайёр импорт истеъмол товарлари сотувга қўйилиши ҳамда чакана савдода реализация қилинишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида бозор ва савдо комплекслари ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорларга огоҳлантириш хатлари топширилмоқда.

Чакана савдо корхоналари, микрофирма ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кичик корхоналарини 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашнинг янги тартиби тўғрисида хабардор қилиш мақсадида жойларда мунтазам равишда семинар-йиғилишлар ўтказилаётир.

Ҳозир бозорларга туташ ҳудудларда жойлашган 21 та автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари вилоят ҳокимининг кўрсатмасига асосан бозорларга бириктирилгач, қўшимча нақд пул маблағлари жалб қилинди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида ноқонуний савдога чек қўйиш, муддати ўтган ва истеъмолга яроқсиз, давлат стандарт кўригидан ўтмаган маҳсулотлар сотувга чиқарилишининг олдини олиш мақсадида бўлим ходимлари ўтказган 199 та рейд ва қисқа муддатли текшириш натижасида, умумий қиймати 407,3 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар савдодан олиб қўйилди.

Нақд пул тушумига эга бўлган 166 та турғун савдо шохобчасида мониторинг ўтказилиши туфайли аввалги кунларга нисбатан бир кунда 21,8 млн. сўм қўшимча нақд пулни банк кассаларига жалб қилишга эришилди. Вилоят бозорларида нарх-наво сунъий ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган назорат тадбирларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ноқонуний равишда харид қилиб қайта сотиш билан шуғулланиш бўйича 13 та ҳолат аниқланиб, олибсотарлардан 4 млн. 488 минг сўмлик маҳсулот олиб қўйилди.

Қўрғонтепа тумани «Деҳқон бозори»да ўтказилган қисқа муддатли текширувда хусусий тадбиркор М.Усмоналиева харидордан 2000 сўм пулни олди-ю, касса чеки беришни унутди. Унинг фаолияти чуқурроқ текширилганда тадбиркор НКМга кирим қилинган 20 млн. 317 минг 400 сўм пулни банк кассасига топширмай ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборганлиги аниқланди. Шунингдек, ҳеч қандай кирим ҳужжатисиз савдода турган 6 млн. 732 минг 200 сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинди.

Гарчи ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар учун барча шароит яратиб берилаётган бўлса-да, айрим тадбиркорлар харидорларга касса чеки бермай, сифат сертификати ва кирим ҳужжатларисиз маҳсулотлар савдоси билан шуғулланаётган ҳоллар учраяпти. Солиққа оид қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида Давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Шохруҳбек ЭГАМНАЗАРОВ,
Андижон вилоят ДСБ Ахборот хизмати бош мутахассиси

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,

ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишингиз учун

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига қўнғироқ қилишингиз мумкин:

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКҚ Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10.	Сармарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373	224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ

Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2010-yil 3-avgust № 92 (2817)

Юртимиз неъматлари



Бозорингизни берсин!

Ўлкамизда саховатли ёз ҳукм сурмоқда. Қайси бозорга кирманг, расталарнинг нозу неъматлар билан лиммо-лим эканига кўзингиз тушади. Харидни нимадан бошлашни билмай қоламиз.

Қип-қизил бўлиб пишган помидорлар диққатимизни тортади. Мутахассисларнинг айтишича, янги помидор ва унинг шарбати парҳез овқат сифатида қўлланилиб, моддалар алмашинуви, юрак-қон томир касалликлари ва меъда-ичак йўли фаолиятида жуда фойдали. Меъда ва ўн икки бармоқли ичак ҳамда буйрак-тош касалликларида, организм ҳолдан тойганда янги помидор еб, шарбатини ичиб туриш керак.

Яна бозор айланишда давом этамиз. Бир ёқда шафтоли, олмалар, бошқа ёқда эса ҳандалакнинг ўткир ҳиди димоқни қитиқлайди. Деҳқон бобонинг сеҳрли қўллари ила етиштирилган бу неъматларни кўрибоқ, тўйиб қоласан киши. Тарвуз-қовунлар қучоққа сиғмайди.

Юртимизни бежиз жаннатга қиёслашмайди. Диёримизда мевали дарахтларнинг 10 мингдан кўпроқ тури экилади. Олма, нок, олча, беҳи, шафтоли, ёнғоқ, гилос, олхўри, бодом, анжир, жийда, ўрик, тут республикамизнинг деярли барча вилоятида ўстирилади. Мевалар янги узилган ва қуритилган ҳолда истеъмол қилинади. Уларда киши организми учун зарур витаминлар, фруктоза, глюкоза ва бошқа зарур моддалар бор. Ибн Сино меваларнинг шифобахшлик хусусиятларидан беморларни даволашда самарали фойдаланган.

— Ҳовлимда 200 туп анор бор, — дейди Олой бозорида сархил мевалардан юртдошларимизни баҳраманд этаётган Ҳамроқул Тошев. — Унинг қизил, оқ, кўк анор каби турлари мавжуд. Кўк анор май ойигача пишиб етилади. Қизил ва оқ анор эса сентябр, октябр ойларида пишади.

Бирорта мева йўққи, инсонга нафи тегмаса. Аслида ҳам сахий қуёш нурларидан меҳр, муқаддас еримиздан куч олиб ўсаётган ҳар бир гиёҳ шифобахшдир. Айтмоқчи, харидингиз баракали бўлсин!

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган суратлар

Орамиздаги одамлар

Журналист бахти

«Жамоатчи мухбирнинг танқидий мақоласи сабаб, туман раҳбарларидан бири вазифасидан олинди, бирига огоҳлантириш берилди. Биринчи котибга эса қаттиқ ҳайфсан...»

Бу гапларни айтиб бераётган Облоқул аканинг бутун вужудини ҳаяжон қоплаб олганини ҳис қилдим.

Кейин билсам, Облоқул акага журналистика соҳасида меҳнат қилиш осон бўлмаган экан...

Яқинда Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида бўлганимда 72 ёшни қаршилаган отахон журналист Облоқул Усмонқулов «Нуроний» студияси ташкил қилиб, уни ўзи бошқараётгани ҳақида гапириб беришди. Ҳар ойда бир марта хонадонларга эфир орқали кириб борадиган кўрсатув элга манзур бўлмоқда. «Нуроний» жамғармаси вилоят бошқаруви раиси Ҳасан Нормуродов «Облоқул ака режаларимизни амалга оширишда фаол ёрдам беради, ўз таклифлари билан ишимизга жон киритади» деди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Облоқул Усмонқулов қўлига қалам тутганига 50 йилдан ошди. Самарқанд ва Тошкент радиосида мухбир вазифасида ишлаган чоғлари қаҳрамонларининг юрагига йўл топди, эшиттиришлари мунозараларга сабаб бўлди.

Облоқул ака тилимизнинг ҳақиқий фидойиларидан. Эсимда, Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни тугатиб, Самарқанд вилоят радиосига ишга борганимда, ҳасратидан тутун чиқиб шундай деганди:

— Фақат бу ерда ўзбекча ёзамиз. Лекин бошқа тилда гапирамиз, мажлислар русча ўтади. Ассалому алайкум, десангиз «Здраствуй» дейди. «Яхши кадр, лекин айби — ўрисчани билмайди». Бу қандай бедодликки, ўз тилингда гапиролмасанг...

Ўтмишни эсларканмиз, бугунги кунимизга шукрона қилдик. У кишининг таъкидлашича, мухбирлик — қисмат. Ҳар бир журналист бу қисматни ўзича бошидан кечиради. Бу йўлни танлаганлар адолат томонида бўлиши, ҳақиқатни ҳимоя қилиши керак.

Облоқул ака ота-онанинг меҳрига зор бўлиб, опаси Зайнаб Отамуродова, тоғаси Жумабой Дўстмаматов қўлида тарбияланган. У Пайариқ туманидаги Пушкин номли мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ маҳаллий матбуотда қатнаша бошлади. Бир бурда нонини газетада ишлаб топди. Ҳаётнинг ўзи шу касбни танлашга ундади. Кейин билса, адашмаган экан.

«Сўз билан амал кўпинча тўғри келмас экан. Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, танқид қилган мухбирнинг орқасидан «қаҳрамон»лар болта олиб югурар экан!» Облоқул ака журналист ижодини фелетон ёзишдан бошлагани учун айтаяпти бу гапларни. «Пайариқдан чиққан Хлестаков», «Чала тергов ва антиқа ҳукм», «Топталган муҳаббат» сарлавҳали фелетонлари қаҳрамонимиз бошига не кунларни солиши мумкин эди, яхшиям яхшилар бор. Уни балолардан ўшалар қутқариб қолди.

Облоқул ака ёшларга доим насиҳат қилиб, шундай дейди:

«Дарров репортёрни ишга солманг, ён дафтарни чиқарманг, ручкани пешламанг. Қаҳрамонингизнинг ички дунёсига қараб иш тутинг. Ана шунда материал табиий чиқади, одамлар айтганингизга ишонади. Мавзу ўзгаради деб хавотирга тушманг, Софокл «менинг вазифам одамларнинг ким эканлигини ўзларига кўрсатиш», деган экан. Сиз ҳам шундай қилинг. Ёзганингиздан кейин шу одамни ҳамма таниб қолсин. Одамларни ҳамиша ўзингиздан юқори қўйинг. Чунки ҳар бир одам бир олам. Ўзингизни ҳеч қачон чегаралаб қўйманг, қаҳрамоннинг ҳамма томонини ўрганишга ҳаракат қилинг. Бу қоғоз билан юзма-юз қолганда катта ёрдам беради. Ёшларга таъна қилманг, уларни тарбияланг, ахир улар бизнинг давомчимиз».

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Ёз — 2010

Ҳукуматимиз томонидан ёзда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда уларни соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хоразм вилояти Халқ таълими бошқармаси ҳам жамоат ташкилотлари ва касаба уюшмалари билан ҳамкорликда бунга ҳисса қўшиб келаётир. Вилоятда бу йил 38 та оромгоҳда 11720 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Бугунгача уларнинг 11339 нафари мазмунли ҳордиқ чиқарди.

Барчаси болалар учун

Жумладан, ижтимоий муҳофазага муҳтож оила фарзандларидан 1000 нафари республика миқёсидаги «Бойчечак», «Йўлчи», «Коинот» оромгоҳларига юборилди. Шунингдек, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан қўшимча тарзда Урганч шаҳри ва туманлардаги ихтисослаштирилган мактаблар қошида 7 та оромгоҳ ташкил қилинган.

Ўқувчиларни ватанпарварлик, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун барча оромгоҳларда зарур шароит яратилган.

Хонқа тумани болалар санаторийси қошидаги «Соғлом авлод» оромгоҳи вилоятнинг энг сўлим масканларидан саналади. Бу ерда ўтказилган «Менинг севимли оромгоҳим», «Табиат: кеча, бугун, эртага» каби танловлар болаларда она табиатни асраш, ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Янгиариқ туманидаги 37-ихтисослаштирилган мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳда «Соғ танда — соғлом ақл», «Ўзбекистон келажаги менинг тасаввуримда», «Ўйла, изла, топ!» каби танлов ва турли мусобақаларнинг мунтазам ўтказилиши, меҳнат фахрийлари, шоиру ёзувчилар иштирокидаги давра суҳбатлари болалар қувончига қувонч қўшиб, мавсумнинг завқли ўтишига хизмат қилмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, умумтаълим мактаблари қошидаги 2191 та спорт тўгарагига 58848, «Компютер сабоқлари» тўгаракларига 5215, устоз-шогирд тўгаракларига 12589, мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги 713 та тўгаракка 32636, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига 18361 нафар бола жалб қилинган.

Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тавсиясига кўра оромгоҳларда бахтсиз ҳодиса содир бўлганда кўрсатиладиган биринчи ёрдам бўйича гуруҳлараро беллашувлар ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда.

Зухрахон РЎЗМЕТОВА,
Хоразм вилояти Халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати ходими

Бир қултум сув

Ибрат

Парда чўпон сурувни сувлатгани қудуқ тарафга ҳайдади. Раҳматли Тошмурод бобо қазиб кетган қудуқ ўттиз йилдан буён беминнат сув бериб келаяпти.

Сувнинг қадрини бошқалар билмаса ҳам, Парда чўпон яхши билади. Сувни деб шаҳарда яшайдиган ўғли Яхшибойни қаттиқ койигани, кенжа келиннинг сув оқаётган ариққа мағзава тўкканини кўриб индамаган кампирини уришгани ҳам рост. Ўғли ўқимишли йигит, айбини тан олиб узр сўради. Аммо кампири тушмагур нақ бир ой неварасиникига аразлаб кетиб қолгани ўсал қилди-да.

Балки бир воқеа бўлмаганида... Ўша куни Парда чўпон нон олиб келгани қишлоққа энса, қўшниси тўй бошлаган экан. Элчилик, айтишибди, бормаса бўлмайди. Қолаверса, Тошпўлат яқин дўсти, бир-икки пиёла ароқ ҳам ичди, сўнгра туёнани узатиб эшагига минди-да, даштга кетди.

Чўлиғи қўйларнинг бошида экан. Эсли йигит, яқинда уйланган, кўзи қизариб юрибди, раҳми келиб уйига жўнатди, сурувни ўзи ҳайдади.

Ярим тунда қўйлар тин олди, тўда бўлиб қолди, демак, тонггача дам олса бўлади.

Парда чўпон чанқади, ғўлчадаги муздек сувдан сипқорди, «бай-бай, сув жоннинг роҳати» хаёлидан ўтказди у.

Хуржунни олиб эшакни юкдан халос қилди, оҳиста ёнбошлади. Қир тарафдан ғир-ғир эпкин эсди, ҳовурни кўтарди, уйқуга чорлади...

Чўпон илкис уйғонди, кун кўтарилиб кетибди, тепасида эшаги турибди, қўйлар йўқ, итлар ҳам кўринмайди.

У қўрқиб кетди, жон ҳолатда таёғини олиб изларни ахтарди, топди, кун ботарга кетибди, қўйларга нимадир ҳадик берган чоғи...

Парда чўпон пиёда қирдан-қирга, адирдан ўнғирга ўтиб нақ тушгача қора терга ботиб чопди, югурди, ахир уч юз қўй йўқолиб кетса, уйи, хонумони куяди-ку!

Чўпон чарчади, чанқадим, эҳ, калла, ғўлчаси хуржунда қолибди, алам билан бошига муштлади, «ана энди ўлдинг», — деб ўзини қарғади.

Чўпон яна оёққа турди, у қирдан ошиб ўтди, наригисида ҳам ҳеч зоғ йўқ.

Тепадан кун қиздирди, қани энди бир қултум сув бўлса, жону жаҳони, майли уч юз қўйини ҳам берарди.

У сайхонликда йиқилди, ҳушдан кетди, узоқ ётди.

Бир пайт кимдир юзига оби ҳаёт пуркади, оғзига сув қуйди. Чўпон ўзига келди, ютоқиб, ғўлчага ёпишди. Ташналик азобини қондирди, сўнгра ўкириб йиғлаб юборди.

Тепасида турган Райҳон чўпон унга далда берди:

— Туринг, ошна, эркак ҳам йиғлайдими, ана қўйларингиз тус-тугал, тонгда ҳайиқиб кетаётган экан, тўхтатиб қолдим, итлар ҳам қўйлар билан бирга.

Парда чўпон кечқурун Райҳон ошнасини қўй сўйиб меҳмонга чақирди, ошнаси ҳам қуруқ келмади, хуржунидан икки ғўлча қудуқ сувини чиқариб дастурхон четига қўйди.

Чўпонлар сув ҳақида гурунг бошладилар...

Ўролбой ҚОБУЛ

Миннатдорчилик

«Тўйлар қилинг!»

Ўзбегим омон бўлсин, нимаики топса, тўйга атайди. Бир-бирига тилаган энг эзгу тилаги ҳам шу: «Топганингиз тўйларга буюрсин!» Таҳририятимизга мактуб йўллаган Абдухолиқ Бобомуродов ҳам худди шу ниятда.

«Янги уй қуриш учун ўн беш йилча олдин Фориш тумани Халқ банки бошқарувчиси Баҳромжон Қодировга мурожаат қилдим. Аризамни ўқигач, у киши юзимга синчковлик билан қараб сўради:

— Ука, баъзи кишилар уй қураман деб банкдан чек олиб, бошқа нарсага ишлатиб юборишади. Сиз аниқ уй қурасизми ёки?..

— Уй қураман.

— Ундай бўлса, бир ҳафтадан кейин ресурс келади, хабардор бўлиб туринг.

Айтилган кунга етиб бордим. Ҳужжатларга қўл қўйгач, «янги уйда тўйлар қилинг», деб кўнглимни тоғдай кўтарди. Бутун куч-ғайратимни тўплаб уйни ҳам битказдик. Ўша тилак эса ўн беш йилдан бери қулоқларим остида жаранглайди. Кейин билсам, мен каби эҳтиёжманд юзлаб инсонларга Б.Қодировнинг беминнат ёрдами теккан экан.

Яқинда Баҳромжон аканинг тўй қилаётганини эшитиб қолдим. Худди ўз ўғлимни уйлантираётгандек қувониб кетдим. Фарзандининг камолини кўриш ҳаммага ҳам насиб этсин, илойим. Энг муҳими, топганингиз, топганимиз тўйларга буюрсин».

А.БОБОМУРОДОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, спорт усталигига номзод

Ташаббус

Жиззах туманидаги «Пахтакор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бир гуруҳ болажонларни ўз бағрига олди.

Ватанимнинг асл фарзанди бўламан!

Бу сафар вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамкорликда, ички ишлар бўлимларининг профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун «Мен Ватанимнинг асл фарзанди бўламан!» шиори остида бир ҳафталик ҳарбий-спорт оромгоҳи ташкил этилди.

— Бундай тадбир илк бор ўтказилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири С.Мамадазизов. — Бундан кўзланган мақсад — ёшларни, айниқса, вояга етмаганларнинг бўш вақтини янада завқли, кўнгилли ўтказишга эришишдан иборат.

Абдуманноп АЗИМОВ

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбековга падари бузруквори

ЖУМАНАЗАР отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Фуқаро Ишматов Бурхонга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 2 июнда берилган **TN 000257**-сонли адвокатлик лицензияси йўқолганлиги туфайли **бекор қилинади.**

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: D. Rahmonova
Navbatchi: A. Abdullayev
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Ⓗ - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

Буюртма Г — 751

11568 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 3 4 5